



Алишер НАВОИЙ

Энди ҳар томондан одам номига иснод келтирадиганлар пайдо бўляпти. Уларда сўз айтиш қобилияти бўлмаса ҳам, улар сўз айтиш пайида; нагмалари соҳнамаган бўлса ҳам, куй чалиш иштиёқда. Улар шеърда туюқ нималигини тушунамасалар ҳам, туюқ у ёқда турсин, оддий кўшк нималигини билмасалар ҳам, ёганларнинг сўзлари бемаза, таркиби сус, мазмуни ҳам оддий, саёз, ёзиллиш услуби нотўғри бўлса-да, уларнинг ҳаммасида бамаънилик даявоси. Дуруст одамлар улардан кутулолмайд гаранг.
(Насрий матн муаллифи Абдуқодир Хайитметов).

КИТОБСИЗ КЕЛАЖАК ЙЎҚ!


Шавкат МИРЗИЁЕВ

Kitob dunyosi



Маънавий-маърифий, адабий-бадний, ижтимоий-сиёсий газета

№ 05 (318)
2020 йил
18 март. Газета
ҳар ойнинг
иккинчи ва
тўртинчи
chorshanbasida
чоп этилади.



Владимир КРУПИН
Худосиз одам ижод дунёсида бир кунмас-бир кун қоқилди – ўзига бино кўя бошлади, ё аразу гинахонликка ўтади, ёки нафрат вавсасасига дучор бўлади, ёки мукофотлар савдойисига айланади.

Бизни билган биллади, билмаган ўзи биллади.

Жалолiddин РУМИЙ



Май Ван ФАН (1955), таниқли вьетнам шоири

ҚАБОҲАТ ДАВРИ Насрий дoston

АНГЛАШ ПАЛЛАСИДА

Мен ҳаракатда бўлганда сизнинг оламингизга топинаман. Илтимос, мени кўполлик ва бепарволикда айбланманг! Нимасидир сизга аён бўлган ёки ҳали озодликка эришмаган, ёки шу йўлда тусмоллаб ҳаракат қилаётганлар ҳақида. Ёки улар ҳали ҳам шу ерда қолганми? Ҳар нафас олганда мен янада юксакроқ кўтарилман. Лабим четларидан сачраган қон она заминни сугоради.

4-бет



Антон ЧЕХОВ, (1860–1904) рус адаби

ОЖИЗЛИГИНГИЗ УЧУН ҲЕЧ ҚАЧОН КЕЧИРМАЙДИ

Аёл ўзига нисбатан ўжарлигини, такабурлигини ва ҳатто худбинлигини учун ҳам кечирши мумкин. Лекин ишонтириб айтаманки, йўл қўйган ожизлигини учун у сизни ҳеч қачон сугоради.



Қудратуллох АХМАД КАСАЛЛИҚДАН ОДАМЛАР ЭМАС, ОДАМИЙЛИК ЎЛАЯПТИ

Таассуф: ўзини маданиятли, илмли деб ҳисоблаган инсонлар ҳам худбинлик ила бозорларни яшаш учун кураш майдонларига айлантириб юборишди.

Чайковчилар зарурат, мусибат, ваҳималардан фойдаланиб асли арзон нарсаларни қимматга сотишяпти.

Касалликдан одамлар эмас, одамийлик ўляпти.



Кетеван ДУМБАДЗЕ: “ОТАМ АЛДАШНИ БИЛМАЙДИГАН ЎЗУВЧИ ЭДИ”

– Ўзбек халқининг отамни ўз ўзувчиси дея ҳисоблашини ҳамда ижодини севиб мутолаа қилишини эшитиб, ўзимни бағоят бахтли ҳис этдим. Низом Комилова таржималари учун катта раҳматлар айтаман. Отам менга ҳақиқий адабиётда миқдот ҳам, чегара ҳам, қанақа тилда ёзилажаги ҳам аҳамиятсиз, дея ўргатган, чунки башариёт тили умумий бир тил бўлмоги керак! Асосийси, ҳар бир ўқувчи бу асар айнан ўзи учун ёзилганини сезса бас. Мен ўзбек китобхонлари буни англаганларига ишончим комил!

2-бет



Келси Эрин ШИПМАН, АҚШ ёзувчиси ва педагоги:

“ТОШКЕНТГА МАЪНАВИЙ ҚУВВАТ ОЛИШ УЧУН КЕЛДИМ”

Тошкенти азимда камина учрашган ёзувчиларнинг муносабатлари ёқимли таассурот қолдирди. Барча одамлар хушмуомала, ҳамиша қўллари кўксиди. Таъбир жоиз бўлса, нон шаҳрида олиб борилаётган ўзгаришлар, ислохотлар кўлаמידан ҳайратга тушдим.

Бу заминдан ўзим учун маънавий куч олган ҳолда, эндиликда

Мен Тошкентга Халқаро мактабда адабиётдан сабоқ бериш, қолаверса, бундан ташқари, ёзаётган романим устида ишлаш мақсадида келдим. Бу ерда ёзиш учун яна ҳам кўпроқ вақт ажратиш, қувват топа олар эканман. Бундан эса бошим кўкда.

шеърлар, ёшлару катталарбоп насрий асарлар битиб, насиб этса, матбуотда ва китоб ҳолида эълон қилдиришни ният қилдим. Шунингдек, адабиёт фанидан қўлдан келганча таълим беришда давом этаман. Дунё бўйлаб саёҳат қилар эканман, замонавий ўзбек шеърятидан намуналарни инглиз тилида чоп эттириш ниятим ҳам йўқ эмас.

ИМОН КЕЛТИРГАЙМАН АММО – БУ БОҒЛАР ЁРУҒДИР БИЗНИНГ-ДА СЕВГИМИЗ БОИС

Омон МАТЖОН,
Ўзбекистон Халқ шоири

СЕНИ ЯХШИ КЎРАМАН

Миллион жажжи фонус ёқди дарахтлар.
Камалак. Яшиллик. Ёмғир юз фоиз...
Имон келтиргайман аммо – бу боғлар ёруғдир бизнинг-да севгимиз боис.
Ҳар оғоч, ҳар шохни уйғотди Наерўз,
гул билан қитиқлаб қарахт танини.
У сени кўрсатди менга
Ва билдим
юрагим қаерда жойлашганини!
Оҳ, баҳор! Заминнинг сўз эркинлиги!
Майсалар куйлашар кўкка ўрлашиб.
Шу буюк қувончга жўр бўлдик биз ҳам
лабларим лабларинг билан бирлашиб.
Умр нима ўзи!
Имон келтирай,
ҳикмат бу, баҳордек қисқа ва аён:
Севги ила маъсуд онларни ўйла,
асил умр шулдир. Қолгани – ёлғон...

1979



